# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 21 январь. Сешанба № 6 (5.779). Сотувда эркин нархда

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига**

Муборак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан Жазойир халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад бахтиёрман.

Қудратли Аллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт, дўст Ўзбекистон халқига эса хотиржамлик ва фаровонлик ато этишини, шунингдек Ислом дини юксалиши йўлидаги барчамизнинг саъй-ҳаракатларимизга ривож беришини сўрайман.

**Биродарингиз**
**Диамин ЗЕРУАЛ,**
**Жазойир Халқ Демократик Республикаси Президенти**

## РАҲБАР КАДРЛАР ЎҚУВИ

Ҳозирги замон фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, илғор технологияни кенг қўллаш туфайли мўл ҳосил етиштириш, бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, иқтисодий билимларни мустаҳкамлаш бугунги кунда ҳар бир раҳбар ва мутахассис олдида турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги буни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик институтида қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, хўжаликлар раислари ва мутахассислар, шунингдек, тажрибали пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакору боғбонлар семинар-ўқувини ташкил этди. Илм маскани олимлари беш кун давомида улар билан деҳқончиликдаги янгиликлар, илғор техника ва технологияни жорий этиш, иқтисодий мавзулар бўйича машғулотлар ўтказди. Ўқув тингловчилари чигитни плёнка остига экишнинг афзалликлари хусусида атрофлича маълумотга эга бўлди.

Якунловчи машғулотда вилоят ҳокими А. Мардиев сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## ИЛМ-ФАН ДЕҲҚОНЧИЛИККА ОМИХТА

**Самарқанд вилоятининг Тойлоқ тумани истиқлолимиз билан тенгдош. Бир юз йигирма мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Вилоятнинг жануби-шарқида жойлашган, бир томонда Дарғом канали, яна бир томонда Ургут ва қўшни Тожикистон Республикаси билан, шимолда эса Зарафшон дарёсию ғарбда Самарқанд халқа йўли билан чегарадош. Туман аҳлининг ризқини Худойим улуғ қилиб яратган. Ерларида боғ яратсанг болга тўлади, сув бошида, деҳқони заҳматкаш.**

Туманда қишлоқ хўжалиги асосий соҳа ҳисобланади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоизи шу тармоқ орқасидан тирикчилик қилади. Ерга эътибор, муносабат кескин ўзгармоқда. Кимки ернинг қадрига етса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Суғориладиган майдонлар туман бўйича 14 минг гектарни ташкил этади, холос. Аҳоли зич, ер эса оз. Шундай шароитда қандай йўл тутилмоқда? Илм-фанга суянган ҳолда, интенсив технологияларни қўллаб, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот етиштиришга кетадиган харажатларни имкон қадар қисқартиришга алоҳида эътибор берилган.

Йил якунига кўра 17 минг тонна ёки режалаштирилганидан 3.157 тонна зиёд дон хирмони уйилди. Ҳосилдорлик туман бўйича 43 центнерни ташкил этди. Давлатга ғалла топшириш режаси эса 144 фоизга адо этилди. «Жумабозор» ижара хўжалигида гектаридан 56 центнердан, Амир Темур номли ижара хўжалигида 52 центнердан, С. Айний номли жамоа хўжалигида эса 46 центнердан ғалла етиштиришга эришилди. Айрим илғор ижарачилар гектаридан 100 центнергача ғалла етиштириб, катта ютуқларни қўлга киритдилар. 19 та ғаллачилик бригадасида 74—80 центнерлик кўрсаткич қайд этилди.

Энг аҳамиятлиси шундаки, хўжаликлар ҳар мавсумда ўзи учун ғалла уруғи етиштиришни қатъий қилиб белгилашган. Уруғликка катта масъулият билан муносабатда бўлишга одатланишган. Хўжаликлар режадан ташқари олинган ҳосил ҳисобига аҳолига 3220 тонна истеъмол учун буғдой тарқатдилар. Туманда етиштирилаётган ғалла уруғига республикамизнинг кўпгина вилоятларидан буюртмалар тушиб туради. Ўтган йили хўжаликлар 550 тонна уруғлик ғалла сотиб, қўшимча 12,1 миллион сўм соф даромад қилдилар. Бу ерга ғалла етиштиришни ўрганиш учун вилоятлардан вакиллар тез-тез ташриф буюриб туришмоқда. Буғдойнинг «Шердор», «Улуғбек», «Интенсивная» навлари етиштирилади. Арпанинг «Амир Темур» навидан эса гектаридан 100 центнерга етказиб ҳосил олинди.

Туман ғаллакорларининг муваффақиятида Улуғбек номли жамоа хўжалигининг базасида тузилган «Дон» агрофирмасининг катта ҳиссаси бор. Агрофирма Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимларининг бевосита кўмагида буғдой ва арпанинг серҳосил, истиқболли навларидан уруғлик дон тайёрлашга ихтисослашган. Ғалланинг қадимий тезпишар, бўлиқ навлари излаб топилиб, уларнинг ҳосилдорлик хусусиятлари қайта тикланмоқда. Агрофирманинг ўзида ҳар гектардан 60 центнердан дон етиштирилди. Агрофирма заршунослари билан суҳбатлашсангиз, бу кўрсаткич чегара эмас деб қатъий ишонтирмоқдалар. Дарҳақиқат, тойлоқликлар деҳқончиликни илм-фансиз ривожлантириб бўлмаслигига ишонадилар. Шу боисдан экин майдонлари олимларнинг тажриба майдонига айлантирилган. Ҳокимдан тортиб то хўжалик раҳбарларигача барча олимларнинг таклифи билан ҳисоблашишади, улар билан елкама-елка изланадилар.

Олимлар ҳозир картошкани кўчат шаклида экишни тажрибадан ўтказмоқдалар. Хўжаликларда картошка етиштиришнинг Голландия технологиясини мукаммал эгаллаб олган мутахассис-деҳқонлар кўп. Ҳар гектар майдондан 350 центнергача ҳосил кўтарилганини эшитиб қувонмай бўладими? Картошка етиштириш режалари ортиғи билан адо этилган.

### *Ислоҳот — инсон хизматида*

Ўзингдан чиққанига нима етсин! Сабзавотчилик дастурхонларимизни тўкин-сочин этади. Шу боис сабзавотчиликка азал-азалдан меҳр қўйиб, катта тажрибалар тўпланган. Ўтган йили туманда 34,1 минг тонна сабзавот сотилиб, режа ортиғи билан адо этилди. «Жумабозор» ижара хўжалигида гектар бошига 394 центнердан сабзавот ҳосили олинди. Бу мамлакатда энг юқори кўрсаткичлар сирасига киради. «Қушчинор» жамоа хўжалигида 337 центнердан, «Зарафшон» ижара хўжалигида эса 311 центнердан сабзавот етиштирилди.

Бугун ким тадбиркор бўлса, ҳамёнига барака кираверади. Боғбонлар мева етиштиришга бўлган диққат-эътиборни кескин кучайтирдилар. 8.5 минг тонна ўрнига 8.950 тонна ширин-шакар мева олинди. Амир Темур номли ижара хўжалигида гектаридан 131 центнердан мева етиштирилди. Ҳозирги кунда боғларни ўғитлаш, кимёвий препаратлар билан дорилаш, янги серҳосил навли меваларни кўпайтириш бўйича изланмоқдалар.

Об-ҳавонинг ноқулай шароитларида узум етиштириб, ундан сердаромад олишни ҳар ким ҳам уддасидан чиқавермайди. Узумчилик бу ерда даромадли соҳалар сирасига киради. Режа 102 фоизга бажарилди. Самарқандликларнинг майизи кирмаган хонадон йўқ бўлса керак. Ҳатто хорижда ҳам шундай майизларнинг харидоргирлиги маълум. Миришкор боғбонлар йил сайин майизбоп узум навларини кўпайтиришга эришмоқдалар. Ўтган йили туманда 927 тонна майиз тайёрланди. «Соҳибкор» жамоа хўжалигининг ўзида 345 тонна сифатли майиз олинди. Демак, майизчилик қанча ривож топса, соҳибкорнинг даромади тотлироқ булаверади.

Энг қувончлиси, сарҳисобга кўра, бирорта хўжалик йилни зарар билан якунламади.

Қайсики, жойда саноат қишлоққа кириб борар экан, ривожланиш ҳам илдамлайверади. Саноат корхоналарида 175,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу аввалги йилга нисбатан 64 миллион сўмлик кўпдир. Янги-янги ишчи ўринлари яратилмоқда.

Шароит нечоғлиқ мураккаб бўлишига қарамай, қурилишда ҳам қувончли натижалар қайд этилди. Масалан, 422 ўринли мактаб, 120 ўринли касалхона, 900 ўринли болалар боғчаси, 3 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ, 50 ўринли қишлоқ шифокорлик пункти қуриб фойдаланишга топширилди. Насиб этса, Наврўз байрамига туман бўйича 17 та катта-кичик қурилиш бинолари ниҳоясига етказилиб, аҳолига байрам совғаси сифатида тортиқ этилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши қишлоқ ҳаёти учун катта аҳамиятли бўлди. Тумандаги 18.812 та хонадон табиий газ қулайликларидан баҳраманд бўлмоқда. Газлаштириш кўрсаткичи 99,6 фоизни ташкил этиб, вилоятда энг юқори натижадир. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш 82 фоизга етди.

Буюк бобокалонимиз юбилейи муносабати билан Соҳибқирон номи билан аталган ижара хўжалигида Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Музей ташкил қилинди. Яқин кунларда туман марказида мустақиллик майдони қурилиши ниҳоясига етади.

— Кенгашли эл тарқамас, — дейди туман ҳокими Абдураҳмон Искандаров. — Дарҳақиқат, кенгашда кенглик кўп. Биз доимо кўпни кўрган қариялар билан бемаслаҳат иш юритишга одатланганмиз. Куни кеча 12 нафар оқсоқолдан иборат гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзолари барча хўжаликларнинг ғаллазорлари, боғу узумзорлари, борингки, ҳар гектар майдонини бугунги аҳволини кўздан кечириб чиқиб, холис баҳоларини берадилар. Камчиликлар рўйирост айтилиб, бартараф этиш йўллари маслаҳатлашилади. Албатта, бу анъана катта иқтисодий самара бермоқда. Ҳа, одамлар виждонан меҳнат қилишаётганлигини ҳар қанча эъзозласак, арзийди. Бу эса мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдеворини яратишда муҳим ўрин тутади. Маъмурчилик юртимиз истиқболини нурга тўлдирувчи омилдир. Неъматлари мўлнинг дастурхони ҳам баракотлидир.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*ЮРТИМИЗНИНГ ТАБАРРУК КИШИЛАРИ*



## ДАЛА СОҲИБИ

Сурхондарёда Холмўмин Сафаровни билмаган киши кам. Тадбиркор, ташаббускор бу уста деҳқон мўл, арзон ва сифатли пахта ҳосили етиштиришнинг тажриба мактабини яратган. Дала соҳибининг ўгитларидан баҳраманд бўлганлар ҳозирда энг масъулиятли участкаларда сидқидил меҳнат қилмоқдалар. Холмўмин ака экинзорга бир назар ташлаб ютуқ ва камчиликни илғаб олиш қобилиятига эга. Тармоқни ривожлантиришга катта меҳнати сингган бўлса-да, ўзини асло ажратиб кўрсатмайди. Ҳамиша бирдек: камтар, камсуқум. Лекин иш манфаати йўлида ўзини ҳам, шогирдларини ҳам аямайди. Ҳатто раҳбарларнинг камчилигини ўзларига шартта айтади, вақти келса талашиб-тортишиб, янгиликни жорий этади. Йил оғир келган кезларда ҳатто қўшни район хўжаликларининг раислари: «Сафаров даласига боринглар-чи, аҳволни ўнглаш учун нималар қилинаётган экан» дея мутахассисларни йўллашади.

Ўша воқеа барчанинг ёдида. Ғўза бўй кўрсатиб деҳқон кўнгли чоғ бўлган кезларда қаттиқ ёмғир ёғиб экинни чил-парчин қилди. Сурхондарё шароитида бундай воқеа камдан-кам учрайди. Ўшанда энг тажрибали заршуослар ҳам Холмўмин ака бу йил кўзлаган марраға етолмайди, деган хулосага келиб қўйишди. Бироқ ориятли деҳқон бутун куч, тажрибасини, ташкилотчилик қобилиятини ишга солди. Энг яқин кишиларини ҳашарга чақириб, хонадонлардан маҳаллий ўғит— нури ташиб келтирди. Ҳар битта ниҳол қалб қўри билан парваришланди. Кўчат сони оз эди. Фақат ҳосилдорликни ошириш ҳисобига режани бажариш мумкин.

Саркор йиллар мобайнида оқ олтин етиштириб, бунчалик қийналмаганди. Баъзилар «Ҳа, энди табиий офат ишга ҳалал берди, омад юришмади» дея хулоса қилиши мумкин эди. Бироқ режани бажармаслик, карвондан ортда қолиш бу инсон учун мутлақо ёт. Бир ой мобайнида даладан нари кетмади. Кечаю-кундуз тадбирларни сифатли ўтказишга бош-қош бўлди. Наинки ҳар туп ғўза, балки ҳар бир кўсакни ҳисобга олди. Қарангки, кузда у бошлиқ бригада биринчилар қаторида марраға етди. Ўша йили Холмўмин Сафаровни яна ҳам яхшироқ билиб олишди.

Айни кунларда донгдор бригада бошлиғи даласида иш қизғин. Қишки юмушлар уюшқоқлик билан амалга оширилаяпти.

— Жорий йилда хўжаликнинг 2667 гектар экин майдонининг ўн фоизида Андижон технологияси қўлланилади, — дейди мураббий ён-атрофга ўйчан боқиб. — Асосий майдонларга «Термиз-31» ҳамда «Наманган-77» чигит навлари жойлаштирилади. Андижондан келтирилган техникани ишлатиш йўллари деҳқонларга қунт билан ўргатилаяпти. Бозор Мирзаев, Равшан Қўшоқов, Тўрақул Чориев, Холтўра Жумаев, Норсоат Тиловов каби техника ихлосмандлари ерни плёнка остида чигит экишга тайёрлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Деҳқонларнинг қувонганларича бор. Янги усулнинг афзал томонлари кўп. Плёнка остида ҳарорат яхши сақланиши ҳисобига барака уруғи одатдагидан 14-15 кун аввал экилади. У 4-5 кунда униб чиқади. Оддий усулда 1 гектарда 95-100 минг туп кўчат ўстириб келинган бўлса, Андижон усулида экилган майдонларга 190 минг туп кўчат жойлаштирилади. Шунинг ўзи ҳосилдорликни бир ярим баравар ошириш имконини беради.

Мафтункор дала бўйлаб савлатли, қарашлари маъноли бир киши аста одимламоқда. У воҳа фахри, пахтачилигимиз пирларидан бири, Қизириқдаги «Кунчиқиш» хўжалиги саркори Холмўмин Сафаровдир.

**М. НИЁЗОВ.**

## ХЎЖАЛИК ҚАДДИНИ РОСТЛАДИ

Абдуманноп Усканбоев зиммасидаги масъулият катта эканини ҳис этиб иш бошлади. Хўжалик ерлари Чирчиқ дарёси бўйларида жойлашган, аксарияти тошлоқ. «Ишламай, ризқ топаман деганга бу баҳона эмас» кўнглидан кечирди раис.

Шароитни обдон ўрганиб, кўпни кўрган деҳқонлар билан маслаҳатлашди. Сўнг астойдил ҳаракатга тушди. Унинг ғайратини кўриб бошқалар ҳам дадиллашди. Ишонч, иштиёқ ҳосилнинг баракасини берди. «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги заршунослари Янгийўл туманида биринчилар қаторида марраға етдилар. Ҳатто ери яхши, илғор хўжаликлар ҳам мусобақада ортда қолишди.

— Одамларнинг қувончини кўрсангиз эди, байрам бўлиб кетди, — жилмайиб ўша кунларни эслайди Абдуманноп ака. — Қатор йиллардан буён ғалаба нашидасини сурмай келаётган деҳқон учун бундан ортиқ бахт борми.

Хирмонга муносиб ҳисса қўшган Иброҳим Қоратоев, Холия Холжигитова, Наби Қодиров бошлиқ бригадаларда режа 112-118 фоизга етди. Мана энди, эркин нархда сотадиган толамиз ҳам, ёғимиз ҳам ҳисобимизда пулимиз ҳам бор.

Миришкор даромади кўпаяверса, касбига меҳри ошаверади, яна кўпроқ ҳосил ундиришга интилади. Жамоа пахтакорларининг ҳам орзуси шу. Ҳаракат куздаёқ бошланган. Ерлар сифатли шудгорланган, далаларга маҳаллий ўғит чиқарилмоқда.

Ғаллачиликда ҳам яхши натижаларга эришилди. Режа 109 фоизга бажарилди. Давлатга шартномада белгиланганидан 200 тонна кўп дон сотилди. Ижарачилардан Холбек Бобобеков, Тўлқин Камоловлар гектаридан қарийб 40 центнердан дон олишди. Бу йилги экин ривожи ҳам кўнгилдагидек. 700 гектар ердаги ўсимлик қондириб суғорилди, меъёрида ўғит берилди. Мақсад 2600 тонналик ғалла хирмони бунёд этиш.

Шоличиликда ҳам мақтаса арзигулик ҳосил ундирилди. Ҳосилдорлик 40 центнердан ошди, аҳоли мукофотга сара гуруч олди.

Ҳозир жуда кўп фермаларда чорва озуқаси танқислиги сезилмоқда. Аммо «Янги ҳаёт»да бу ташвиш йўқ. Қишловга етарли емиш ғамланган. 310 бош қорамол соғлом парваришланаётир. Маҳсулдорлик ортаяпти.

Ободончилик ишларига катта эътибор берилаяпти. Яқинда саккиз километр масофага газ ўтказилди. Хўжалик юз фоиз газлаштирилди. Шоли оқлайдиган, ун тортадиган тегирмонлар ишлаб турибди. Тадбиркор томонидан кўркам Гузар қурилди.

**Р. АБДУЛХАЕВ.**

## *Маънавиятдаги кемтиклик*

### Ҳувиллаган боғчалар

Болалар — бизнинг келажагимиз. Улар соғлом, бақувват вояга етса, бизнинг энг катта бойлигимиз, бахтимиз, шодлигимиз шу. Гўдак дунёга келган биринчи кунданоқ яхши парваришлаш, унга ғамхўрлик қилиш, одобли, ахлоқли этиб тарбиялаш бурчимиздир.

Ҳа, фарзанд тарбияси ғоят улуғ, масъул вазифа. Унинг ақл-идроки, Ватанга садоқатли бўлиб камол топишида жамиятнинг тутган ўрни беқиёс. Бунда айниқса, болалар боғчаларининг аҳамияти жуда катта. Дарҳақиқат, мурғак инсоннинг шаклланиши, эл орасида муносиб ўринни топишида илк сабоқни шу ерда олади.

Болали уйни тўйхонага ўхшатадилар. Унинг маъниси шундаки, болалар тўпланган жойнинг файзи, тароватu бошқача бўлади. Ширинтойларнинг беғуборлиги, ширин табассуми уйни чароғон этади. Болалар боғчалари шундай улуғ, покиза масканлардан ҳисобланади. Хўш, бугунги кунда ушбу тарбия муассасаларида аҳвол қандай? Қишлоқ жойларидаги боғчалар талабга жавоб берадими? Таъминотда узилиш йўқми? Шу каби саволларга жавоб излаб Сирдарё туманида бўлдик.

— Ҳозирча фақат «Малик» ва «Синдоробод» хўжаликларидаги боғчалар ишлаб турибди, — деди Сирдарё тумани ҳокимининг муовини М. Йўлдошева. — Бошқалардагиси кўпдан буён ишламаяпти.

Ишлаётганларидан бирини кўриш мақсадида «Малик» ширкатлар уюшмаси томон йўл олдик. Сафар ота қишлоғидаги «Бойчечак» болалар боғчасига етиб борганимизда кун пешинга яқинлашган эди. Бизни ошпаз Жамила Қурбонова ва тарбиячи Муҳаббат Раҳмоновалар кутиб олишди. Ичкарида беш нафаргина кичкинтой ўйнаб ўтиришар эди.

— Тарбияланувчилар жуда оз-ку?

— Ҳар куни шу, — жавоб берди Ж. Қурбонова. — Уч-тўрт нафар бола шамоллаган, тумов билан оғриган. Буёғи иқтисодий қийинчилик туфайли баъзи ота-оналар фарзандларини боғчага юбормай қўйишган.

— Неча ўринга мўлжалланган ўзи?

— Ўттиз нафардан тўртта гуруҳга мослаб қурилган. Кўриб турганингиздек, қолган хоналар бўш.

— Тушликка нима овқат тайёрлаяпсиз?

— Макарон шўрва.

— Раҳбарлар хабар олиб туришибдими?

— Йўқ, анчадан буён киришмайди.

Мана, нима учун ота-оналар болаларини боғчага юбормай қўйишган. Боғча ўз ҳолига ташлаб қўйилгач, бундан ортиқ яна нима кутиш мумкин? Ошпаз ва тарбиячига раҳмат, йўғини уйларидан келтириб туришибди. Йўқса, боғча аллақачон ёпилиб қоларди.

«Янги ҳаёт» жамоа хўжалигидаги боғча ҳувиллаган. Эшиклар қулф. Ҳеч ким кўринмайди. Билсак, уч йилдан буён ишламас экан. Унга ёнма-ён тушган «Ширинтой» болалар боғчаси туман халқ таълими бўлимига қарашли. Катталар гуруҳида ўн бир нафар болакай бор. Хоналар яхши иситилмаган.

— Совуқ эмасми? — сўрадик тарбиячи Меҳри Хўжаевадан.

— Йўқ, унчалик совуқ эмас, — деди у. — Мудира Венера Иброҳимова шу масалада кетган эди.

— Нонуштага нималар берилди?

— Нон билан олма мураббоси. Пешинга гуручли суюқ овқат ва лағмон тайёрланди. Болалар уйларига кетишлари олдидан каша едирамиз.

— Овқат гўштлими?

— Гўшт ўрнига колбаса солдик.

Ошхонага ўтдик. Озода, тартибли бўлса-да, идишларни чайишда ишлатиладиган ювиш воситалари кўринмайди. Ошпазлар оқ халат кийишмаган. Пиширилган таомлардан олинган намуналар қоидаси бўйича расмийлаштирилмаган. Олдиндан тузилган таомнома кўринмайди. Хуллас, бир бола бир кунда неча грамм нон, гўшт, сариёғ, сабзавот тановул қилиши лозимлиги ҳақидаги жадвал кўзга ташланмади.

### Қассобхона нега ёпиқ?

Кейинги пайтларда қишлоқларда қассобхоналар қурилиб аҳолининг мушкули осон бўлди. Чунки гўшт ҳам нон каби инсонга доим керак. Илгарилари икки-уч кило гўшт излаб беш-ўн чақирим йўл босилар, ҳатто туман марказигача боришга тўғри келар эди. Эндиликда ҳар бир қишлоқда қассобхона бор. Янги сўйилган мол ва қўй этлари осиб қўйилган. Харидорлар танлаб олишаверади.

Афсуски, бундай имконият ҳамма жойда ҳам эмас. Кўркам, бежирим қурилган гўшт дўконларининг кўпи ёпиқ. «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида мактаб яқинидаги қассобхона ишламаётганига кўп бўлган кўринади. Дўкон пештахтасини чанг босган, атрофга чиқиндилар сочилган.

Шунингдек, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги идораси яқинидаги қассобхона ҳам берк. Ваҳоланки, йўл усти. Ҳар куни юзлаб машиналар ўтади. Ҳар қанча гўшт бўлса кетади. Таассуфки, бошқа қишлоқлардаги кўпгина қассобхоналар ҳам эгаси кўчиб кетган уйдек ёпиқ.

### Клубда қачон кино қўйилади?

Маънавияти бой одамгина ҳақиқий бадавлатдир. Бу ҳақда кейинги пайтларда жуда кўп гапириляпти. Маданият уйлари, кутубхоналар, стадионлардан самарали фойдаланиш қайта-қайта уқтирилмоқда. Шунга қарамай қатор жойларда бунга етарли эътибор берилмаётгани кишини ўйлантиради.

Сирдарё туманида фақатгина «Малик» ширкатлар уюшмасидаги маданият саройи фаолият кўрсатаётир. Қолган хўжаликларнинг баъзиларида йўқ, борларидан эса кўпдан бери фойдаланилмаётир. Масалан, «Янги ҳаёт»даги муҳташам бино ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бир неча йилдирки, осилган қулф олинмаган, яқинига одам йўламагани шундай кўриниб турибди. Сабабини билсак мудир туманга мажлисга чақиртирилган экан.

Ёшлардан кўпинча «қишлоқда оқшомлар зерикарли» деган гапни эшитасиз. Улар ҳақ. Айниқса, қишли-қировли кунларда қаёққа боришни билишмайди. Клубда кино қўйилмайди, қизиқарли тадбирлар ўтказилмайди. Сўрасангиз муттасаддилар турли баҳоналарни рўкач қилишади. Агар дилда иштиёқ бўлса, клуб йўқ жойда ҳам барини ташкил этиш мумкин. Эсиз, «Янги ҳаёт» даги шундай иморат. Ачинарлиси, қаровсиз қолган бундай бинолар бошқа жойларда ҳам бор.

**МУХБИР ДИЛИДАГИ ЎЙЛАР. Фарзандлар ушалган умидимиз, қувончимиз. Улар ҳаётимиз давомчиси. Жажжи инсонларни соғлом, бақувват, дунёқараши кенг бўлиб улғайтириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бола яхши ўсиб, яхши тарбия олишида эса мактабгача тарбия масканлари катта ўрин тутади. Кўпчилик билан муомалани, одоб-ахлоқни шу ерда ўрганади.**

**«Ўзбекистон», «Янги ҳаёт», Жуман Маманов номли ва бошқа хўжаликлардаги боғчалар ишламаётгани жуда ачинарли ҳолдир. Тўғри, ҳозир айрим жамоаларнинг иқтисодий аҳволи яхши эмас. Лекин ҳар қандай шароитда кичкинтойлар учун иложини топса бўларди. Унинг устига хўжакўрсинга боғча очишнинг ҳам кераги йўқ.**

**Иккинчидан, қишлоқда маънавий ҳаётни тубдан ўзгартириш лозим. Инсон умри мазмунли бўлиши учун ҳар бир куни чиройли, қизиқарли ўтиши зарур. Кайфияти яхши одамнинг иши унади. Бўлар-бўлмасга ташвишга тушмайди. Изласа имкони топилади, хўжалик раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлашлари, чора-тадбирлар белгилашлари жоиз.**

**Ҳозир қарийб ҳар бир гузар, қишлоқда қассобхона, сартарошхона ва устахоналар бор. Уларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш керак. Номи бору ичи бўм-бўш ёпиқ дўконлардан не фойда. Шу каби долзарб вазифаларга эътиборни кучайтириш даркор. Буларга аҳамият бермаслик, бир сўз билан айтганда, маънавий кемтикликдир.**

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.**
**«Қишлоқ ҳаёти»нинг махсус мухбири.**

# АНДИЖОН СЕЯЛКАСИ

**АНДИЖОН МЕХАНИКА ЗАВОДИ ЖАМОАСИ БУ ЙИЛ РЕСПУБЛИКА ПАХТАКОРЛАРИГА ПЛЁНКА ОСТИГА ЧИГИТ ЭКИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН 3 МИНГТА СЕЯЛКА ТАЙЁРЛАБ БЕРИШНИ ЗИММАСИГА ОЛГАН**



● Андижон механика корхонаси пайвандчилари Сиддиқжон Нишонов ва Раҳматулла Жалилов «Андижон-3» сеялкасини тайёрлаётган пайт.



● 42-цехнинг пешқадам усталари Оллаёр Давлатов, Орифжон Мансуров.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг аксарият хўжаликларида истиқболли технологияга қизиқиш катта. Унинг моҳиятини яхши англаган заршунослар ўзларида янгиликни қўллаш учун қизғин тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда. Ҳаёт «Андижон усули» пахтачиликда муваффақиятга эришишнинг ҳозирги кундаги бош омилларидан бири эканлигини яққол исботлади. Андижонда бўлиб, илғорлар иши билан яқиндан танишганлар бунга қатъий ишонч ҳосил қилдилар.

Деҳқонларнинг буюртмаси қандай бажарилаётганлиги билан қизиқиб корхона цехларида бўлдик. Бош директор Фозилжон Солиевнинг кайфияти яхши. Қутлуғ даргоҳга қадам қўйишимиз билан ишлар кўнгилдагидек кетаётганини ҳис қилдик. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар бир жараён белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

— Бутун диққат-эътибор сеялкаларни сабрсизлик билан кутаётган заршунослар буюртмаси вақтида, сифатли қилиб бажарилишига қаратилган, — дейди бош раҳбар. — «Андижон-2» сеялкасининг кашфиётчиси — бош муҳандис Абдураҳмон Сойназаров ва техника бўлими бошлиғи Баҳодир Холтоевлар янги дастгоҳни такомиллаштириб модификация қилишди. Дастгоҳни ўтган йили ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 60x30 схемали саккиз қаторли сеялка ёнига тўрт қаторли янги сеялка қўйилди. Бу ажойиб техника чигитни 90x90 схемасида заминга қадайди. Машина терими учун жуда қулайдир. Бу йил мазкур сеялкадан иложи борича кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳаракат қилиняпти. Йил давомида буюртма қабул қилиш давом этади.

Андижон сеялкаларини ясаш жараёни Абдумалик Абдуллаев бошчилик қилаётган тайёрлов ва йиғув цехида кечади. Дастлаб унинг рамаси, қисмлар ўрнатиладиган, илинадиган жойлари ҳозирлаб қўйилди. Бошқа цехларда ясалган қисмлар шу ерда йиғилади. Рамага қисмлар ўрнатилиб бўлингач тайёр маҳсулот бўёқлаш цехига жўнатилади.

Корхона ўз сифат белгисига эга, ишлаб чиқарилаётган мосламасининг чидамлилиги тўлиқ кафолатланади. Қишлоқ хўжалик техникаларига қўйилаётган ҳамма қисмлар махсус цехларда синовдан ўтказилади.

Тайёрлов-йиғув цехида ўз касбининг билимдони, тажрибали ишчилар кўп. Пайвандчилар Иброҳим Омонов, Абаббой Камолиддинов, чилангарлар Иброҳимжон Исмоилов, Козимжон Маъруфхонов, йўнувчилар Ёқубжон Нурматов, Аъзамжон Каримов, Улуғбек Комилов, Адҳам Қаҳҳоровлар шулар жумласидандир.

Мосламаларга сайқал ва ранг беришда харидорларнинг талаб ва истаклари эътиборга олинади. Уларга пушти, сариқ, бинафша, қизғиш, оч сариқ, оч зангори, ҳаворанг берилмоқда. Бу ишда Хайитбой Тешабоев, Зуҳра Аҳмаджонова, Муҳаббатхон Зуҳриддинова, Ҳамиджон Ботиров, Ўринбой Ҳайдаров меҳнатда ҳамкасбларига ибрат бўлишмоқда.

— Корхонада яна қандай маҳсулотлар ишлаб чиқарилади?

— Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, халқ истеъмоли молларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Уй-рўзғор жиҳозлари, диван, юмшоқ креслолар, антенна, телевизор остига қўйиладиган ўриндиқлар, болалар велосипедлари кабилардир.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси буюртмасига биноан зарур эҳтиёт қисмлар жўнатмоқдамиз. Бундан ташқари Асакадаги «УзавтоДЭУ» корхонасига тез ёрдам машиналари учун беморларга мўлжалланган тиббий замбиллар тайёрлаб беряпмиз.

Хуллас, механика заводи маҳсулотларига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Мазкур жамоа 1996 йилда кўплаб турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқариб йилни қувончли якунлади.

— Икки мингдан зиёд ишчи меҳнат қилаётган ушбу корхонанинг ҳар бир аъзоси ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмоқда, — дейди касаба уюшмаси қўмитаси раиси Тожимуҳаммад Болтабоев. — Ишчиларга ҳар куни сут, қатиқ тарқатилади. Ошхонада арзон нархда таомлар пиширилади. Фарзандлари кўп, ҳимояга муҳтож оилаларга ун, гуруч, пахта ёғи ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратиляпти.

Ишчиларнинг саломатлигини асраш, кўнгилдагидек дам олишлари ҳамиша диққат эътиборда. Ўтган йили 66 нафар меҳнаткаш санаторий ва профилакторияларда бепул даволанишди. Касаба уюшмаси шу мақсадлар учун 115.195 сўм сарфлади, корхона маъмурияти 42 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди. 130 ўринли болалар оромгоҳи фарзандлар ихтиёрида. Ҳар йили ёзда 350—400 нафар болалар ҳордиқ чиқаришига етарли маблағ ажратилади.

Айни пайтда 50 ўринли санаторий қуриб битказилмоқда. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлган цехларда ҳар ойда маошнинг 35-40 фоизи миқдорида мукофот пули тарқатилади. Меҳнат аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилган шарт-шароитлар меҳнат самарадорлигини таъминламоқда.

**Р. МЕЛИБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



● Чилангарлар (ўнгдан) Шаҳобиддин Тўлашев, Аъзамжон Ғозиев, муҳандис Сотиболди Абилов тайёр сеялкаларни текширувдан ўтказмоқдалар.



● Тайёрлов цехи босқончиси Абдупатто Ирисов маҳсулот сифатидан хурсанд.

Х. МЕЛИБОЕВ олган суратлар.

# ЧАРОҒИЛДАГИ КИЧИК КОРХОНАЛАР

Ҳар бир кишининг ўзига яраша имконияти бор. Шу имконият доирасида у тадбиркорлик кўрсатса, кўп ишларни амалга ошира олиши мумкин. Бунинг учун кишида нафақат истак, балки, интилиш, қатъият ҳам бўлмоғи, у қийинчиликлардан чўчимаслиги керак. Шундагина унинг ишлари ривож топади. Нишон туманидаги Чароғил қишлоғидаги тадбиркор Исмат Қиёмов амалга ошираётган ишларни кўриб, кўнглимдан шундай фикрлар кечди. Исмат тадбиркорлик сари дастлабки қадамни журъатсиз, ўз кучига, омадига унчалик ишонқирамасдан босганди. «Чароғил» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Тошпўлат Тўраевга учраб, бўш ётган ташландиқ иморатлардан бирини ўз ихтиёрига сўраб олди. Сўнг эрталабдан кечгача нари кетмай таъмир ишларини бажарди. Кўп ўтмай эски путур кетган иморатни қўлдан чиқариб, кўркам бинога айлантирди. Сўнг Хитойда ишлаб чиқарилган, соатига 200 килограмм буғдойни ун қилиб бера оладиган кичик тегирмонни келтириб ўрнатди.

Дон торттгич қурилмаси ишга тушган куни қишлоқда шодиёна бошланди. 87 ёшли фахрий Раҳматулла бобо Дўстов кўпчилик орзу этган тегирмонни кўриб қишлоқ аҳлининг оғирини енгил қилган Исмат Қиёмовнинг ишларига ривож тилаб дуо қилди, узоқ умр, омад тилади. Ҳамқишлоқ ва таниш-билишларининг хайрихоҳлиги, қўллаб-қувватлаши тадбиркорга далда бўлди. У янги режаларни дилига жо қилиб, яна ҳам каттароқ хайрли ишга қўл урди. Тегирмон жойлашган бино яқинида макарон ишлаб чиқарадиган цех қад ростлади. У янги йил арафасида ишга туширилди. Яна бир бўш бинони эпақага келтириб, қандолатчилик цехига мослаштирди.

Тадбиркор Исмат Қиёмов ва унинг маслакдошлари тиним билмай меҳнат қилиб, янги-янги ишлаб чиқариш биноларини ишга туширишмоқда. Жамоа хўжалиги марказий посёлкасида ҳар хил парандаларни, жумладан товусни асраб кўпайтиришга ихтисослашган боғ барпо қилиш ишқида югуриб елмоқда. У 12 та товус парвариш қилишга мўлжалланган бинони тиклаб, атрофига манзарали-мевали дарахт кўчатлари ўтказиш ишларини ниҳоясига етказмоқда. Тадбиркор 15 нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади. У ишга туширган цехлар мажмуаси қишлоқда ўзига хос саноат зонасини шакллантирмоқда.

— Қишлоққа саноатни олиб кириш ҳаракатининг бошида биз — тадбиркорлар турмоғимиз керак, — деди Исмат Қиёмов биз билан суҳбатда.

**Ш. СУЛТОНОВ.**

# КАРТОШКАЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШДИ

Сир эмаски, аҳолини ўзимизда етиштириладиган картошка билан тўла таъминлашда ҳозирча муаммолар бор. Ваҳоланки, илғор технологиядан кенг фойдаланган ҳолда масалани ижобий ҳал этиш мумкин. Бу борада Юқоричирчиқ тумани Аҳмад Яссавий номидаги хўжаликда тўпланаётган тажриба диққатга сазовордир. Хўжаликда Исроил технологиясини қўллаб, дастлаб гектар бошига уч юз, ўтган йил эса 412 центнердан ҳосил етиштирилди. Бошқача айтганда, 10 гектар майдондан 41,2 тонна картошка йиғиштириб олинди.

Хўжаликда бу йил картошка етиштириш билан бевосита шуғулланадиган «Туркистон» фермерлар уюшмаси ташкил этилди. Энди 300 гектар майдонда Исроил технологияси асосида картошка парваришланади. Фермерлар пахта ва ғалла ҳам етиштиради.

# II. ИСРОИЛ ПАХТА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Жаҳон деҳқончилиги тажрибасидан*

Исроил деҳқончилигида пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири томчилатиб суғориш технологиясидир. Албатта, навни тўғри танлаш, сифатли уруғлик, агротехник тадбирларни юксак савияда ўтказиш, юқори меҳнат ва технологик интизом, кадрларнинг доимий малакасини ошириб бориш, илмий тавсияларга жиддий риоя этиш, буларнинг ҳаммасини томчилатиб суғориш билан қўшиб олиб бориш ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Томчилатиб суғоришнинг афзалликлари кўп. Аввало сув тежалади. Бир гектар ердаги экинга ўртача 4 минг куб метр сарфланиб, гектарига 55-60 центнердан ҳосил йиғиштириб олинади. Бизда эса ҳар бир комплекс гектарга ўртача 13,7 минг кубометр сув сарфланади. Исроилда сув ниҳоятда танқислиги туфайли техник экинларни шаҳар канализациясидан келган ва тозаланган сув билан суғорилади. Озуқа экинлари, сабзавотнигина тоза ариқ суви билан суғоришади. Ўсимлик илдизи атрофи доимо намланган ҳолда бўлиши таъминланади, тузлардан ювилиб тозаланади. Сувчининг кетмон билан эгатма-эгат юришига ҳожат йўқ. Боиси оби ҳаёт ўсимлик талабига қараб керак миқдорда ажратилади. Суғориш учун эгат олиш, сувдан кейин қатор ораларига ишлов беришга ҳожат йўқ. Бу ерни ортиқча зичланишдан сақлайди. Тадбиркорликни қарангки, экинга озиқа сув орқали эриган ҳолда берилади. Озиқ икки маротаба ўрнига 6-7, ҳатто 8-10 мартагача ҳам берилиши мумкин. Тадбиркорлар ғўзанинг ғовлаб кетишига асло йўл қўймайдилар. Июнь ойида гул, шона тўкилиши бўлмайди. Мамлакатнинг уста деҳқонлари 60 центнерлик ҳосил етиштириш учун азотли ўғитлардан соф ҳолда 250 килограмм, фосфорли ўғитлардан 200 килограмм ва калийли ўғитлардан 80-100 килограмм беришади. Ўғит солиш асосан июль ойининг биринчи ўн кунлигида тугалланади.

Шундай қилиб томчилатиб суғориш Исроил технологиясининг асосини ташкил қилади ва меҳнат сарфини камайтиришга хизмат қилади. Ажойиб технология бошқа соҳаларда ҳам жорий этилган. Унутмайлик, бу технология дастлаб ускуналар, насос, фильтр ва шлангалар учун катта харажатни тақозо этади. Бир гектарга 5 минг АҚШ долларига яқин маблағ кетади. Аммо икки йилдаёқ харажатлар ўзини қоплайди. 7-8 йил фақат фойдага ишланади.

Исроилда пахта ҳар гектар ҳисобига ўртача 4 минг АҚШ доллари миқдорида даромад беради. Уруғчилик хўжаликларида эса бунга нисбатан 3-4 баравар кўпроқ даромад олинади. Мамлакат иқлим шароити ғўзанинг вегетацияси узоқ бўлса ҳам пишиб етилиши учун имконият беради. Селекционерлар олдида тезпишар навларни яратиш асосий вазифа қилиб қўйилмаган. Эътибор юқори ҳосил ҳамда сифатли тола берадиган, касалликларга чидамли навларни яратишга қаратилган. Чигит экишда тупроқнинг оптимал ҳароратига алоҳида эътибор берилади. Барака уруғи узоғи билан 4-5 кунда униб чиқиши керак. Намлик етмаса дарҳол суғорилади. Томчилатиб суғориш натижасида катта майдонлар 1-2 кунда намлатиб олинади.

Ғўза чеканка қилинмайди, нав хусусиятига қараб унинг бўйи 120—130 сантиметрга етказилади. Бунга оптимал агротехникани қўллаш билан ўсимлик ўсиши, ривожланиши ҳамда суғориш, озиқлантириш режимини бошқариш орқали эришилади. ПИКС препаратидан кенг фойдаланишади. Ғўза баргини тўктириш асосан Дропп, Дроп Ультра, ДЕ препаратлари ёрдамида ўтказилади.

Хўжаликлар ўзларида уруғлик чигит етиштирмайдилар. У махсус ихтисослаштирилган пахтачилик фермер хўжаликларидан, алоҳида ажратилган йироқдаги учта шахсий хўжаликдан олинади. Улар минг гектар майдонга эга бўлиб, 2.500 тонна уруғлик чигит етиштирадилар. Уруғликнинг 10 фоизи мамлакат ичкарисида хўжаликларга сотилади, 90 фоизи эса четга экспорт қилинади. Греция, Туркия, Испания каби мамлакатларда айниқса талаб катта. Бир тонна уруғлик нархи 6 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Эътибор қилинг, бир тонна толанинг нархи 2000—2.200 АҚШ доллари турса, бир тонна уруғлик чигит 6 минг АҚШ долларига тўғри келади. Бу нарх мамлакат ичкарисидаги харидорга ҳам, чет элликка ҳам транспорт, бошқа харажатлар қўшилмаган ҳолда белгиланган.

Ихтисослашган хўжаликлар юқори самарадорлик билан ишлайди. Бир гектардан ўртача икки тоннагача уруғлик чигит олинади. Айтишларича, бошқа маҳсулотни ҳисобламаганда ҳар гектар ер ўртача 15 минг АҚШ доллари атрофида даромад келтиради. Исроилда чигит экиш мавсуми апрель ойидир. Пахтачилик асосан сунъий суғорилишга мўлжалланган. Барча майдонларда туксизлантирилган уруғ уяларга аниқ санаб ташланади. Шу боис бир гектарга экилгани 12 килограммдан ошмайди. Бу қимматли хом ашё етиштириш учун кетган умумий харажатнинг 2 фоизи демакдир. Уруғлик чигит фақат туксизлантирилган ҳолда 6 қаторли пневматик сеялка билан экилиб бир погонометрда 7-12 та ўсимлик бўлиши таъминланади. Ҳар гектардаги ғўза ниҳолларининг ўртача сони тахминан 80.000 тупдир. Ғўза қатор ораси 98 сантиметр. Пахта ўрнига яна шу экин жойлаштириладиган ерлар шудгор ўрнига чуқур юмшаттичлар ёрдамида тобига келтирилиши билан бирга бегона ўтларга қарши гербицидлар сепилади. Қизиғи шундаки, шудгор камдан-кам, яъни фақат бошқа экинлардан кейин чигит экиладиган бўлса амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, Исроил деҳқончилигида ўрта толали Акала типига мансуб «Сивон», «Веред», «Гедера-5» навлари экилади. Ҳозирги кунда истиқболли бошқа навлар ҳам кўпайтирилмоқда. Мамлакат об-ҳаво шароити пахтачилик учун ниҳоятда қулай. Вегетация даврида фойдали ҳарорат 2200—3500 даражани ташкил этади. Урта толали навлар 150—160 кунда мўлжалга бориб 90-95 фоизи очилиб бўлади. Ҳосил фақат машиналар билан териб олинади. Далада қолган 6-9 центнер ҳосил эса ғўзапоя билан майдаланиб ҳайдаб юборилади. Октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ ҳосилни саранжомлаш якунланиб ерлар келгуси йил ҳосили учун сифатли тайёрлаб қўйилади.

Энди ғўза навларининг баъзи хусусиятлари тўғрисида. «Веред» нави толаси IV тип, сувни кам талаб қилади, тола чиқиши 34-36 фоиз, вегетация даври 140 кун, вильтга чидамли, ҳосилдорлиги гектарига 50-55 центнер. «Гедера-5» навининг толаси IV тип, вегетация даври 135 кун, тола чиқиши 33-37 фоиз. Кўсаклари йирик, ҳосилдорлиги гектарига 70 центнер. Биринчи ҳосил ғўзанинг 5-6-шохида пайдо бўлади. Бу ҳосилни машиналарда саранжомлашга яхши шароит яратади. Мазкур нав эндигина кўпайтирилмоқда.

«Гедера-10» нави ҳам истиқболли ҳисобланади, сувни кам талаб қилади. Исроил шароитида ҳар гектар суғориладиган майдонлардан 70 центнергача хирмон кўтарилади. Уни Ўзбекистоннинг чўл олди минтақаларида синаб кўриш айни муддао. Ғўзанинг бошланғич вегетация даврида 2-3 марта ишлов берилиб, бегона ўтларни қириб кетадиган мосламалардан фойдаланилади. Вегетациянинг кейинги даврларида тадбир кимёвий усуллар билан қўшиб олиб борилади.

*Маънавиятимиз сарчашмалари*

# «ОЛТИНСОЗ» НАВОЛАРИ

Республикамизда шундай ижодий жамоалар борки, ўз чиқишлари билан санъатсеварлар меҳрини қозониб, миллий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Ана шундай ижодий гуруҳлардан бири — Избоскан туман маданият уйида фаолият кўрсатаётган «Олтинсоз» халқ ашула ва рақс дастасидир. Мазкур ижодий жамоа 1976 йили иқтидорли хонанда ва созанда Зокиржон Ҳасанов ташаббуси билан ташкил топган эди. Санъатга бўлган қизиқиш мухлисларга гўзал ва мафтункор томошалар тақдим этиш ишқи мужассам бўлган даста иштирокчилари тез орада эл назарига тушдилар. Ватан, серқуёш юрт, меҳнаткаш халқимиз эъзозлаган концерт дастурлари ижодий сафарларда кўпчиликнинг эътиборига сазовар бўлди. Ижодий жамоанинг илк чиқишлариданоқ санъат мухлислари нафосат оламига янги бир нафас билан, келажаги порлоқ санъаткорлар кириб келаётганидан хушнуд бўлишди. Ўзбек халқ куй ва қўшиқлари, мумтоз ашулалар, мафтункор рақслардан иборат концерт дастурлари жойларда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Саҳнага олиб чиқилган «Бу - менинг Ўзбекистоним», «Қўшиқ дил изҳори», «Қўшиқ билан бошланар ҳаёт» деб номланган туркум томошалар мухлисларни мафтун этди. Йилдан-йилга иқтидорли йигит-қизлар, ўз истеъдодларини камол топтириш билан бирга санъат мухлисларига бир-биридан сермазмун концерт томошаларини тақлим этишмоқда.

Жамоага санъат сирларини пухта эгаллаган устозлар раҳбарлик қилиб келишаётгани ижодий жамоа шуҳратини янада кўтарди. Дастага бошида санъаткор Абдунаби Бозоров бадиий раҳбарлик қилди. У томошабинга тақлим этилаётган ҳар бир қўшиқни меъёрига етказиб саҳнага олиб чиқишга ундар эди. Озодахон Абдуғаффорова эса ўзининг гўзал ва мафтункор рақслари билан ансамбл чиқишларига файз бағишлади. Ҳар бир томоша рақкосаларнинг жозибали рақслари билан бойиди. Саҳнага олиб чиқилган «Ўзбекистон» ялласи «Пахтакор қиз» «Роҳат» каби дастурларда санъатнинг ҳақиқий намунаси, ўзбек миллий рақсининг жозибаси ўз ифодасини топди. Бу эса ижодий жамоанинг мухлисларини янада кўпайтирди. Ҳозирда эл назарига тушган Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Юнус Ражабий номидаги мақомчилар дастасининг яккахони Маҳмуджон Йўлдошев, Охунбобоев номидаги Андижон вилояти мусиқали театрнинг актрисаси, ўзининг ранг-баранг тимсоллари ва ширали овози билан мухлислар қалбидан ўрин олган Шарофат Тожибоевалар илк сабоқларни мазкур ансамбл машғулотларида олишган.

Ўзининг янги концерт дастури билан ижодий жамоа Россиянинг Кисловодск шаҳрида, Болгарияда бўлди. Бу ерларда ўзбек халқининг бетакрор санъати ҳаваскорлар ижросида катта қизиқиш билан кутиб олинди. Шўх-шодон куй ва қўшиқлар, ота-боболардан мерос қолган мумтоз ашулалар меъёрига етказиб саҳнага олиб чиқилганки, томошабинлар халқимизнинг санъатини олқишлар билан қаршиладилар.

1991 йилдан ансамблга Ўктамжон Собиров бадиий раҳбарлик қила бошлади. Ўктамжон ижодий жамоанинг анъаналарига содиқ қолган ҳолда замонавий қўшиқлар — Ватан, Истиқлол тараннумини олиб кирди. Бугунги кун шукуҳи, Истиқлол шарофати билан дилларга жо бўлаётган қўшиқлар, дориломон кунлар тараннуми томошабинларга ҳузур бағишлади. Андижонда ўтказилаётган «Гулла, яшна, жон Андижоним!», «Меҳнатим, санъатим сенга, ҳур Ватан», «Ўзбекистон - Ватаним маним» каби вилоят миқёсидаги кўрик-танловлар, фестивалларда ижодий жамоа ўз санъатини намойиш этиб, ансамблнинг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини намойиш этди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати бу гуруҳнинг бетакрор санъатини юқори баҳолаб, «Олий совринин» ҳамда кўплаб қимматбаҳо совғалар билан мукофотлади.

Бугунги кунда мазкур маданият уйи раҳбари лавозимида ишлаётган, ўзининг дилрабо қўшиқлари билан томошабинлар олқишларига сазовар бўлиб келаётган Комилжон Кўчқоров ҳам болалик чоғларидаёқ илк сабоқларни мазкур маданият уйида олди. Комилжоннинг дилларга ором бағишловчи, маҳорат билан куйланган қўшиқлари радио, телевидение орқали тез-тез мухлисларга ҳавола этиб келинмоқда. Айниқса, «Анор» телетанловида ижро этган «Нозли-нозли» қўшиғи тез орада ўз тингловчиларини топди ва ёшлар орасида оммалашиб кетди. Ансамблнинг яна бир жонкуяр иштирокчиси Юсуфжон Назаровдир. Юсуфжон илк қадамини ҳиндча қўшиқларни ижро этишдан бошлаган бўлса-да, кейинчалик доира чалиш санъатини ўрганиб, томошабинларга олам-олам завқ бағишламоқда. Унинг доира санъатига бўлган қизиқишини кўрган устозлар Бахтиёр Мирзалиев, Козимжон Соҳибовлар ота-боболаримиздан мерос қолган доира чертиш сирларини кунт билан ўргатишди. Устозлар кўмаги зое кетмади. Юсуфжон доирада ижро этаётган тантанавор усуллари, тўйу-тантаналарга шоду-хуррамлик, концерт томошаларига файз киритмоқда. Ўзининг ичакузди латифалари, қизиқарли чиқишлари билан дилларга қувноқлик бағишлаётган Озодбек Исмоиловнинг мухлислари беҳад кўп. Кишиларга табассум ҳадя этиш, уларнинг қалбига кулги ва шодлик улашиш ижрочидан алоҳида истеъдод талаб этади.

Гулдурос қарсаклар, шодумон кулги билан кутиб олинаётган Озодбекнинг чиқишлари узоқ ўтмишда ота-боболаримизнинг саҳна санъати намуналарини янада такомиллаштириш, бугунги авлодга етказиш борасидаги интилишлардандир. «Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади!», «Кулги ҳамроҳингиз бўлсин» деб номланган театрлаштирилган томошаларда Озодбек Исмоилов ўз шогирдлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлаётир.

Ўзбекистон ойнаижаҳони орқали намойиш этилган дилрабо куй ва қўшиқлар гулдастаси миллионлаб телемухлисларни мафтун этди. Ансамбл ижросидаги «Тановар тароналари», «Уйғурча», «Жоним менинг» сингари юксак истеъдод билан талқин этилган дастурлар ижодий жамоанинг шуҳратини мамлакатимизга ёйди. Миллий санъатимиз ривожига қўшаётган катта хизматларини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги мазкур жамоага «Халқ ҳаваскорлик ансамбли» унвонини берди. Бундан руҳланган ижодий жамоа санъатсевар халқимизга янгидан-янги серзавқ томошалар тақдим этмоқда. Ансамблнинг иқтидорли иштирокчиларидан Ҳуррриятхон Йўлдошева, Муҳаммадюсуф Назаров, Ихтиёр Носиров, Ғайрат Собиров, Мавлуда Исаева, Маҳмуджон Эргашев, Баҳромжон Юнусов, Абдурашид Йўлчиевлар саҳнага олиб чиқаётган концерт дастурлари барчага манзур бўлаётир.

**Абдуқодир ҚАЮМОВ.**



**Суратда: «Олтинсоз» ашула ва рақс дастаси аъзоларидан бир гуруҳи саҳнада.**

# ҲАЙВОНЛАРНИНГ ҚИРИЛИШИГА НЕ САБАБ?

Кўплаб ҳайвонларнинг ер юзидан йўқ бўлиб кетиши билан қадим замонларда ҳам инсонлар қизиққанлар. Қўҳна юнон дунёсининг файласуфлари ва шоирларнинг асарларида (Эпидокл янги мелоддан V аср олдин. Лукреций — асримиздан 1 аср олдин) ҳозирда яшаётган қандайдир ҳайвонлар қачонлардир ер юзида яшаб ўлиб кетганликлари ҳақида маълумотлар келтирадилар. Лекин тошқотган ҳайвонларни ўрганиш ва ҳозиргилари билан солиштириш уларнинг тараққиёти ва бирданига қирилиб кетишининг сабаблари билан ХУП-ХIХ асрлар давомида илмий асосда шуғулланила бошланди.

ХУШ аср буюк табиатшуносларидан француз Ж. Кювье биринчи бўлиб геологик ҳалокатлар ҳақидаги ғояни ифода қилди. Бу назария тарафдорлари фикрича, ернинг геологик тарихида қисқа тўнтариш даврлари ҳам учрайди. Бунда ер қобиғининг структураси-режаси ўзгариб туради. Натижада ер юзида барча ҳайвонлар, тўғрироғи, кўпчилик турларининг қирилиб кетишига ва улар ўрнида бошқа турлар пайдо бўлишига сабаб бўлган. Сокинлик даврида эса янги пайдо бўлган ҳайвонларнинг яна тараққиёти давом этган. Шуни айтиш зарурки, бундай ўлим ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсига баробар характерлидир. Лекин ўсимликлар ўлими ҳайвонлар ўлимидан 1,5 геологик давр кечроқ содир бўлган.

ХУШ аср француз олими А.Орбиньи, маълум бўлган умуртқасиз ҳайвонларнинг тошқотган намуналарини олдинма-кетин 27 та геологик яруcларга бўлиб жойлаштиради. Унинг фикрича, олдинроқ яшаган ҳайвон турлари ярус тепасида ўлиб битади. Келгуси ярус бошларида олдингисидан кескин фарқ қиладиган организм турлари пайдо бўлган. Бу ўзгаришларни ҳам олим сайёрамизда содир бўладиган геологик тўнтаришлар билан боғлаб тўшунтиради.

Инглиз олими Ч. Лайель ер тарихида органик дунёнинг умумий ҳолати аста-секин ўзгариб борган дея янги назарияга асос солди. Унинг фикрича, қирилишлар фақатгина геологик даврлар чегарасига мос келибгина қолмай, балки улар ер геологик тарихининг узлуксиз воқеаси ҳамдир.

XIX аср ўрталарида Ч. Дарвин ва А.Уоллес «табиий танланиш» назариясини кашф этишди. Уларнинг фикрича, ернинг геологик тарихида қайси турлари яшаш шароитига яхши мослаша олиб, кучли бўлса ҳаётини давом эттирган, мослаша олмаганлари ўлимга маҳкум бўлган. Жараёнга иқлим ўзгаришлари ҳам фаол таъсир кўрсатган. Назария тарафдори палентолог Д.Н.Собалев 1930 йилларда «газ» назариясини яратди.

Бизнинг асримизга келиб ўлимлар сабабини космик таъсирлар туфайли содир бўлган деб уқтирадиганлар ҳам пайдо бўлди. Бу назариянинг муаллифи немис олими О.Шиндевольфдир. В.Бчатов юқорида баён этилган ва бошқа кўпгина гипотезаларни синчиклаб анализ қилгандан сўнг уларнинг биронтаси ҳам умумийликка даъво қила олмаслигини уқтирди. У ўз фикрини мисолларда исботлаб, ҳозирги кунда бундай қирилишлар ҳақида фанний тасдиқланган далиллар борлигига тўхталади.

Ер тарихида қирилишлар, ўлим бўлгани аниқ. Ўлиш вақтлари оралиги қисқа ва узун бўлган.

Бутунлай қирилиб кетган организм турлари бўлмаган. Шундай экан синф ва ҳатто турлар ичида ўлимдан қўрқмайдиганлар ҳаётни давом эттиришган. Ҳайвонлар дунёси қатори ўсимликларда ҳам вақти-вақти билан янгиланишлар содир бўлиб турган. Лекин ўсимликларнинг янгиланиши ҳайвонларникидан бир неча 10 миллион йиллар кейин юзага келган.

Шу далилларнинг сабабини тушунтиришдан олдин В.Бчатов ҳаёт асоси нима? деган саволни ўртага ташлайди ва унга ўзича жавоб топади. Аниқлашларига кўра, тирик организмларнинг ҳаёти ва ўлими ташқи таъсирлар билан узвий боғлиқдир. Уларнинг яшаш муҳити, иқлим, озиқ-овқат ва ҳаводаги газ режими катта роль ўйнайди. Геолог ва палентологларга маълумки, ер сатҳида иқлим, озиқ-овқат манбалари ҳеч вақт бирданига фавқулодда ўзгармаган.

В.Бчатов фикрича, ўлим айбдори газлардир. Унинг таркибидаги кислород ўзгариши айниқса муҳим ва катта аҳамият касб этишини айтади. Зеро, Ернинг геологик тарихида атмосферадаги кислороднинг ўзгариши ҳаётнинг гуллашига ва йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, олимлар ўртасида атмосфера таркибидаги углерод газининг ўзгариши асосий сабаб дегувчилар ҳам бор. Лекин тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳайвонлар (кемирувчилар) кислород ўзгаришини сезиб шу ондаёқ безовталанганлар. Лекин углерод камайиб, кўпайишига унча кўп парво қилмаганлар. Бинобарин ҳайвонлар атмосферада кислороднинг арзимас даражада камайишига чидай олмайдилар ва буни тезда сезиб сулая бошлайдилар.

Шундай қилиб сайёрамизнинг геологик тарихида бир неча маротаба содир бўлган ёппасига қирилишнинг сабабчилари орасида энг биринчиси кислороднинг камайишдир.

**Мирмажид ЗОКИРОВ,**
**геология ва минералогия фанлари доктори.**

*Ҳар тўғрида*

## СИНМАЙДИГАН ТУХУМ

Американинг Иллинойс штатидаги университет илмий ходими Тед Одом, тухумларнинг синиб кетиши унчалик қўрқинчли эмас, деб ҳисобламоқда. Олим узоқ тажрибалардан сўнг, оддий газли сув ичириб боқилган товуқлар пўчоғи ўта мустаҳкам, пишиқ ва пухта тухум бериши мумкин, деган фикрни билдиряпти.

## ЧАЙКАЛАРНИНГ САМОЛЁТГА ҲУЖУМИ

Покистоннинг «Боинг-747» самолёти ердан кўтарилиши билан орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас шошилинч равишда қўнишга мажбур бўлди.

Улкан ҳаво кемасининг ерга қўнишига ақлга тўғри келмайдиган воқеа сабаб бўлган. Гап шундаки, самолётнинг двигатели учиб юрган икки чайкага ёқмай қолган ва улар худди ҳақиқий қирувчилардек жанговар бурилиш ясаб, ҳужумга ўтишган. Кўриниб турибдики, уларнинг кучлари тенг эмас эди. 40 тонна ёқилғисини мажбуран тўккан «Боинг» ерга муваффақиятли қўнган.

## ТЎРТ ОЁҚЛИ ЁРДАМЧИ

Швециянинг шимоли-шарқидаги қишлоқлардан бирида Свен Бургсон деган одам якка ўзи яшайди. Унинг кулбасига ҳеч ким келмайди. Замондошларидан узоқда яшовчи бу шахс тез-тез овга чиқиб туради. Унга доимо Алма лақабли лайчаси ҳамроҳлик қилади. Тўрт оёқли овчи олмахон, қуён ва бошқа жониворларни тутишда жуда чаққон. Лекин энг асосийси шуки, ит истеъмолга яроқли қўзиқоринларни бехато топа олади.

**Тўпловчи:**
**У. ТЎЛАГАНОВА.**

# ҚОР ЁҒДИ-Ю ИЗЛАР БОСИЛМАДИ

*Жиноятга жазо муқаррар*

— Қорақамиш сувидан аёл мурдаси топилди!

Гарчанд орган ходимлари бундай воқеа-ҳодисаларга ўз фаолиятлари мобайнида дуч келсалар-да, ҳар сафар шу каби фожеа қаршисида юраклар бир ларзага келади. Қандай даҳшат! Яна инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди...

Нима учун ? Ким сабаб? Ёки бирор тасодифми?

Воқеа юз берган жойга дарҳол етиб келган туман прокуратураси катта терговчиси О. Тожибоев ва ички ишлар туман бўлими бошлиғи ўринбосари М. Ҳакимов аёл тасодифан эмас, тан жароҳати олиш оқибатида ҳаётдан кўз юмганлигини аниқладилар. Суд-тиббий экспертиза бу хулосани тасдиқлади.

Шу куннинг ўзида жиноий иш қўзғатилиб, марҳуманинг шахсини аниқлаш учун яқин атрофдаги ички ишлар туман бўлимларида қайд этилган бедарак йўқолганлар рўйхатлари кўздан кечирилиши керак, деган фараз илгари сурилди. Натижада марҳума Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимида бундан бир неча ой муқаддам бедарак йўқолган, деб рўйхатдан жой олган фуқаро Л. Ратеева бўлиб чиқди.

Хўш, Ратеева ким? Унинг жонига нега қасд қилинди?

Тезкор-қидирув ишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, аёл ўз хонадонида ўғли В. Ратеев ва келини билан бирга яшаган, ўғли билан келини квартирани сотиб Россияга кўчиб кетишни истасалар-да, она розилик бермаган, жанжал тобора кучайиб борган.

Ниҳоят, онанинг бедарак йўқолганлиги ички ишлар органида қайд этилиб ва бу қуни-қўшниларга ҳам маълум бўлгач, ўғил квартирани зудлик билан таъмирдан чиқариб сотгану, ҳеч кимни огоҳлантирмай Россияга жўнаб қолган.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Ички ишлар вазирликлари жиноят қидирув бош бошқармаларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати натижасида В. Ратеев Волгоград вилоятининг Урюпинск шаҳрида қўлга олиниб, Тошкентга келтирилди. Сўроқ чоғида ўз айбига тўла иқрор бўлиб, бунга... онасининг ўжарлигини сабаб қилиб кўрсатди. Шўрлик она!

Жиноятга етаклаган ҳақиқий сабаб онанинг ўжарлиги эмас эди, албатта. Беихтиёр «менинг нафсим балодир, ҳар куйларга солодир» деган мақол ёдга тушади. Енгил-елпи ҳаётга ўрганган фарзанд она хоҳиши билан ҳисоблашиб ўтирармиди? Мана, оқибати... Иш вилоят судида кўрилмоқда.

Умуман, ўтган йили туман прокуратураси жиноят қидирув ходимлари билан ҳамкорликда қасддан одам ўлдириш ҳолати бўйича туман ҳудудида қайд этилган 10 та ишнинг барчасини очишга эришдилар.

Табиийки, бунга эришишнинг ўзи бўлмади. Тинимсиз меҳнат, машаққатли изланишлар, бир-бирини инкор этувчи турли фаразлар ичидан энг тўғрисини танлаб олиш — уқув ва катта тажриба туфайлигина бунга эришиш мумкин бўлди.

Савол туғилади: бир йилда шунча қотиллик бўйича иш қўзғатилиши бир туман учун кўп эмасми? Ҳа, кўп. Бироқ, агар шу қотилликлар очилмай, айбдорлар тегишли жазони олмаганларида, шунга ўхшаш жиноятлар бундан ҳам кўпроқ содир этилиши шубҳасиз эди.

Биз мураккаб, ўтиш даврида яшаяпмиз. Балки, шунинг учунми, қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар тури, шакли-шамойили ҳам ўзгариб бормоқда. Айниқса, иқтисодий кўламдаги, мансабини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларга кўпроқ дуч келмоқдамиз.

1996 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида Зангиота тумани прокуратураси Чиноз туманида содир этилган жиноятга ўз баҳосини берди. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этган шахс масъул лавозимни эгаллаб келган киши Ш. Бердиев Чиноз туманидаги Т. Эрназаров номли жамоа хўжалиги раисидир. Уз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, давлат ва жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган.

Мисол учун, Ш. Бердиев хўжалик учун ҳар бир килограмми 14 сўму 70 тийиндан сотиб олинган уннинг ҳар килосини 10 сўмдан, жами 20 тонна унни шу тумандаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалигида буғдой айирбошлаш учун бартер шартномаси тузиб, хўжаликка 94 минг сўм зарар етказган. Бундан ташқари хўжалик 1996 йилги буғдой етиштириш давлат режасини бажара олмаётганлигини билгани ҳолда ўрни-тагида йўқ маҳсулотлар, яъни 10 тонна буғдой, 17,2 тонна сомон, 145 тонна кўк масса етиштирилди ва хўжалик аъзоларига бепул тарқатилди, деб туман истиқболни белгилаш ва статистика бўлимига ёлғон ҳисобот бериб юборган.



Юқоридаги ва бошқа кўринишлардаги ножўя ҳаракатларнинг содир этилаётгани, ҳаммасидан ҳам бу ишларда мутасадди кишиларнинг қўли борлиги ажабланарли. Беихтиёр юртбошимиз Ислом Каримов Наманган вилоят кенгаши сессиясида айтган ушбу сўзлар хотирага келади: «Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан покланиши, ислоҳотларнинг тақдири, халқимизнинг фаровонлиги биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг малакасига, фидойилигига, юртпарварлиги ва иймону эътиқодига боғлиқ».

Ниҳоят орзиқиб кутилган қор далаларга оппоқ чойшабини ёйди. Осмонга тикила-тикила кўзлари толиққан деҳқон енгил нафас олди: «Худо хоҳласа, ғалла мўл бўлади». Биз одамлар эса, бир-биримизга ҳар доим керак эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Шунда ҳаёт лаззатга тўлиб бораверади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ,**
**Зангиота тумани прокурори, кичик адлия маслаҳатчиси.**

## ПОЧТАЧИ «ДАМАС»ЛАР

Шу кунларда Сирдарё вилояти йўлларида почта хизматини адо этаётган «Дамас»ларни тез-тез учратиш мумкин. Гап шундаки, «Ўзбекистон почтаси» концернининг вилоят корхонаси ўтган йилни 12 миллион сўм даромад билан якунлади. Шунинг ҳисобига шаҳар ва туман почта бўлимлари учун ўн учта «Дамас» русумли машина харид қилинди.

«УзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган бу машиналар бизга жуда қўл келмоқда, — дейди корхона бошлиғи М. Қиличева. — Илгари транспорт харажатига жуда кўп маблағ сарфланар эди. «Дамас» ғоят тежамли бўлганлиги туфайли харажатлар кескин камайди.

**(ЎзА).**

*ХЎЖАЛИК, КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА*

**БАРЧА ВЕКСЕЛ ЭГАЛАРИГА**

«Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси томонидан муомилага чиқарилган иккинчи чиқариш векселларининг тўлов муддатлари тугаганлиги сабабли шу йил 25 январгача республика ихтисослаштирилган-акционерлик тижорат «Пахта банк»и ва унинг жойлардаги бўлимларига тўлов учун тақлим этишларингизни сўраймиз.

**«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси.**

* * *

«Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси томонидан муомилага чиқарилган қуйидаги векселлар йўқолганлиги муносабати билан муомиладан тўхтатилади:

– Серияси ПС–002 тартиб рақами – Б 0009708 қиймати – 50000 сўмлик;
– Серияси ПС–002 тартиб рақами – В 0011992 қиймати – 100000 сўмлик;
– Серияси ПС–002 тартиб рақами – Г 0003504 қиймати – 500000 сўмлик;
– Серияси ПС–003 тартиб рақами – Г 3100191 қиймати – 500000 сўмлик;
– Серияси ПС–003 тартиб рақами – В 3217373 қиймати – 100000 сўмлик;
– Серияси ПС–002 тартиб рақами – Г 0002584 қиймати – 500000 сўмлик.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси собиқ вазир А. А. Уркинбоевга онаси
**Орин ЎРКИНБОЕВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш»
давлат–ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 05, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.